8 Г

Н. Худойберганов

СЕНИ ЎЙЛАЙМАН, ЗАМОНДОШ



CamScanner

ЗАМИНДАН УЗИЛМАСИН

Социалистик жамиятимиз ўзининг етуклик босқичига кўтарилиб янги ривожланиш палласига кирган ҳозирги пайтда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан бадиий ижодда шундай ўзгаришлар рўй бермоқдаки, улар бизнинг қўлга киритилган муваффақиятлар салмоғини тўғри ёритиб, мавжуд нуқсонлар моҳиятини партиявий принципиаллик билан ҳаққоний очиб ташлашимизни тақозо қилмоқда. Ҳаммага кўз-кўз қилиб, алоҳида қониқиш туйғулари билан кўрсатиладиган зафарларимиз йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар бадиий адабиётнинг ўзини олиб қарасак, истеъдодли ижодкорларимизнинг баркамол асарлари республикамиздагина эмас, балки Бутуниттифоқ, ҳатто жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонмоқда. Партия ва ҳукуматимизга эришилган барча ижобий натижаларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлаш билан бирга уларнинг ўзи билан қаноатланиб қолмасдан янги ижодий уфқлари сари дадил боришга, ўсиш-ўзгариш йўлида учраётган камчиликлар, қийинчиликларни бартараф этишга чақириб келмоқдаки, бу яқиндагина КПСС Марказий Комитети томонидан «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» деб чиқарилган тарихий қарорда ўз аксини топди. Ёзувчиларимиз ҳам, мунаққидларимиз ҳам бу тарихий қарорни ғоятда тўғри, ҳаққоний дастуриламал сифатида қабул қилиб ўзларининг ижодий фаолиятларида тадбиқ этмоқда. Чунки, бошқача йўл билан адабий-бадиий тараққиётнинг бун-

дан ҳам юксак чўққиларини забт этиш мумкин эмас. Айниқса, ютуқлар олдида эсанкирамасдан, муваффақиятларни оширибтошириб юбормасдан ҳаққоний баҳолаш, етишмовчиликлар моҳиятини барча сабаблари, илдизлари билан очиб ташлашга алоҳида эътибор берилаётгани қувонарли ҳолдир. Мана шундай вазиятда баъзи танқидчиларимиз, айрим ёзувчиларимизда офаринбозликка берилиб кетиб, нуқсонлар тўғрисида сўз очмаслик, жуда бўлмаса уларни хаспўшлаб ўтиш кайфияти пайдо бўлмоқдаки, бу бизни қаттиқ ташвишлантираётир. Ҳалигача шахсан ўзим: нега мени кўкка кўтарасиз ахир, мен мақтовга, мадҳияга эмас, фақат танқидга, адолатли, ҳаққоний, муросасиз танқидга лойиқман, менга заминдан узилган асоссиз мақтов наф келтирмайди, йўлдан уради, зарар келтиради, деб бонг урган бирорта қаламкашни кўрмадим. Танқидий мазмун касб этган мақола-ю, тақризлар, илмий-эстетик тадқиқотлар-чи? Уларни жиддий қаршиликларсиз, катта қийинчиликларсиз эътироф эттириш ҳам, эълон қилдириш ҳам осон эмас. Ахир, танқидга эътироф билдирмасдан уни бажонидил қабул қиладиган ижодкорни камдан-кам учратамиз-ку! Тўғри, танқид асал эмас, мақтовнинг «таъми» эса асалдан ҳам ширин. Аммо шунга кўра танқидни рад этиб, фақат мақтовга кенг йўл очиб берсак, бадиий ижоддаги ўсиш-ўзгаришга салбий таъсир кўрсатамиз-ку! Буни тушуниб турган айрим қаламкашларимиз ҳам: бизку танқидга қарши эмасмиз, дейди-ю, бироқ аслида фақат жузъий нуқсонларни қайд этиб, асарни умуман ижобий баҳолаган мунаққидларни ёқтиришади. Майли, шундай бўла қолсин, лекин ўша мақтов асар руҳи, мазмуни, бадиий савиясига мос тушмаса, илмий-эстетик ҳақиқатга олиб келмаса, сўз санъати равнақига озгина бўлса ҳам самарали таъсир қилмаса, ижодкорнинг ўзи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам хотирда сақланиб қоладиган сабоқ вазифасини ўтамаса, ҳеч қандай салмоқ, мазмун касб этмайди. Ҳаққоний

таҳлилдан келиб чиқмаган, ҳар жиҳатдан исботланмаган танқид тўғрисида ҳам шундай дейиш керак. Мана энди мустаҳкам заминга эга бўлиб, ҳаётий, ҳаққоний мазмун касб этган мақтов ҳамда танқиднинг моҳиятини ғоятда етук, оригинал таҳлил орқали ёритишда мунаққид, адабиётшунос ўз истеъдодининг қудратини намойиш қилади, маҳоратини кўрсатади. Айни чоқда, яъни истеъдоди, маҳоратини кўрсатиш жараёнида ижтимоий ўсиш-ўзгаришга, халқимизнинг маънавий такомилига бевосита алоқадор бўлган муҳим муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларни ҳал этишга, пировард-натижада давр руҳини, замон моҳиятини ўзига хос йўсинда ҳар бир мақола, тақриз ёки тадқиқотда акс эттиришга эришмаган муннақид, адабиётшунос ўзининг ижодкорлик, олимлик бурчини бажаролмайди. Йўқ, ниманидир шунчаки мақтаган, шунчаки танқид қилган қаламкаш адабиётшунос олим, мунаққид деган ниҳоятда шарафли, масъулиятли номга сазовор бўлолмайди. Ахир, ҳар бир мақола, ҳар бир тақриз, ҳар бир тадқиқотда (такрорлайман: ҳар бирида) танқидчининг ўзига хос мустақил илмий-эстетик концепцияси, ғоявий-бадиий мақсади, ўзининг инсоний ҳамда ижодкорлик қиёфаси, фикрлаш, мулоҳаза юритиш, услуби, таҳлил қилиш қобилияти, йўллари ифодаланмаса, бундай мақола, тақриз, тадқиқотдан ҳеч қандай наф унмайди-ку! Ахир, адабий жараённи, бадиий асар моҳиятини, замон руҳини, ҳаёт ҳақиқатини мавжуд мураккабликлари, чигалликлари, зиддиятлари билан ёритолмаган мақолалар, тақризлар, тадқиқотларнинг бир ўқилиб, хотирадан кўтарилиб кетаётгани, ижод тараққиётига ижобий таъсир ўтказолмаётгани бежиз эмас-ку! Зотан уларда кўпинча заминдан узилган ҳавойи мақтовлар, асосланмаган танқид баён этиладики, бунга қарши курашни кучайтиришга социалистик реализм байроғи остида равнақ топаётган адабиётимиз муваффақиятлари, танқидчилигимиз, адабиётшунослигимизда рўй бераётган баракали ўзгаришлар мажбур қи-

CamScanner

лаётир. Ахир, зафарларимизни мустаҳкамлаб, тараққиётнинг бундан ҳам юксак чўққиларини забт этиш учун йўл қўйилаётган нуқсонлар, камчиликларни рўйирост очиб ташлашимиз шарт-ку! Айниқса, айрим ёш мунаққидларимизнинг баъзи асарларни асоссиз мақтаб, баъзиларини исботсиз танқид қилаётгани қагтиқ ташвишлантиряпти. Гап Ортиқбой Абдуллаев билан Акрам Каттабеков ҳақида кетяпти. Ҳар иккала ёш мунаққид адабий жараёнга фаол аралашади, хусусан ўз тенгдошлари— ёш шоирлар, прозаикларнинг изланишларини изчил кузатиб боради, уларнинг фазилатлари, нуқсонлари тўғрисида дадил гапиришга интилади, лекин бу интилиш ҳамма вақт баракали якунланавермайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Ортиқбой Абдуллаевнинг «Ёшлик» журналининг 1982 йил 2-сонидаги тақризини кўздан кечирайлик. Тақриз Азим Суюн билан Амирқул Пўлканнинг шеърий мажмуаларини таҳлил қилишга бағишланган. Афсуски, уни ўқиб чиққанингиздан кейин икки ёш шоир шеърларининг фазилатлари, бу ёш шоирлар йўл қўяётган нуқсонлар моҳиятини англаб олиш қийин. Негаки, тақризда аниқ, ёркин, оригинал таҳлил эмас, фақат таърифу тавсифлар, умумий мулоҳазалар ҳукмронлик қилади. О. Абдуллаев таҳлил қилинаётган шеърлар моҳиятини чуқур ёритишга етарли даражада эътибор бермайди. Бу ҳолат иккинчи шоир Азим Суюн тўплами ҳақида мулоҳаза юритганда ҳам сезилади. «Азим Суюннинг тўпламидаги янги шеърларида тасвирий воситалар кенгайиб, мазмун чуқурлашиб бораётгани яққол сезилади. Унинг «Садриддинга хат», «Кеч пишган олмалар», «Кеч куз эди», «Муборак зот эмиш» сингари шеърлари ва термалари мамнуният билан ўқилади. Воқеабандлик усулида ёзилган «Олис хотира» шеърида чорвадор тоғ аҳолисининг турмуш лавҳалари яхши акс этган. У ҳаёт зиддиятларини, турмуш қийинчиликларини ёш, маъсум тўдак нигоҳи, унинг воқеаларга муносабати орқали маҳорат билан очиб берган».

Қаранг-а, жиддий фикр ўртага ташланяпти. Ахир, шоирнинг мавзуни маҳорат билан очиб бериши ҳазилакам иш эмас-ку! Бунга анча-мунча қаламкашлар эришолмайди-ку! Ҳа, жиддий фикр айтилади-ю, аммо у конкрет таҳлил орқали исботланмайди. Балки бунга мақталаётган шеърларда асос топилмагандир? Йўқ, шеърларни ўқиб, шунга амин бўлдимки, уларда ҳаётий замин мавжуд: «Муборак зот эмиш»да ҳаётнинг кўп жабҳаларида, хусусан илм-фанда мардлигу матонатини намойиш қилган, лекин ўз юрти, она табиати, тупроғини, она тилини севмаган, севолмаган шахс фош этилади. «Олис хотира»да эса лирик қаҳрамон чўпонларнинг ғоятда оғир, даҳшатли, айни чоқда беғубор турмушидаги зиддиятлар ҳақида бош қотиради, бизга ташвишлари, ҳис-ҳаяжонлари, қайғу-ҳасратларини «юқтиради». Танқидчи эса бу шеърларни умумий йўсинда тавсифлаб беришдан нарига ўтмайди. Оқибатда унинг тўғри фикрлари ҳам заминдан узиб олингандай таассурот қолдиради. Йўқ, Ортиқбой Абдуллаев Азим Суюнни фақат мақташ учунгина қўлига қалам олган демоқчи эмасмиз, Негаки у шоир ижодида юзакиликларни очишга ҳаракат қилади: «Ёш шоир айрим мисраларда сифатлашларни керагидан ортиқ даражада қалаштириб ишлатади: «Тоғлар боқар ғамгин, тунд, беҳол, «Ҳаво бўғиқ, бадқовоқ ва дим». Бундай ўринсиз санашлар эса мазмунини хиралаштирган. Айниқса, кейинги мисрадаги «ва» сира қовушмаган».

Ортиқбой Абдуллаевнинг бу даъвоси қанчалик тўғри экан, деб яна шеърнинг ўзига мурожаат этамиз:

Тоғлар боқар ғамгин, тунд, беҳол,
Оқ наъматак тебранмас хушҳол,
Бемажолдир чашман зилол,
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

Қонхўр ғаним, қонхўр қотил ким?
Ҳаво бўғиқ, бадқовоқ ва дим,
Чопиб чиққан эл, халойиқ жим...
Баҳодирсиз келди арғумоқ.

Шу мисраларни такрор-такрор ўқиб, уларда «қалаштириб ишлатилган» сифатлашларни учратмадим. Чунки, гап ғамгин, тунд, беҳол тоғлар ҳақида эмас, балки ғамгинлик, тундлик, беҳоллик қиёфасига кирган тоғлар кўз ўнгимизда гавдаланяпти, бўғиқ, бадқовоқ, дим бўлиб қолган ҳаво тўғрисида сўзланяпти, табиатнинг фожеавий қиёфасига нисбат берилиб, халқимизнинг асл фарзанди мардларча ҳалок бўлгани таъсирчан манзараларда ифодаланяпти. Хуллас, шахсан ўзим мазкур сатрларда қовушмаган сўзлар, ибораларни сезмадим. Шунинг учун Ортиқбой Абдуллаевнинг танқидий мулоҳазалари, танбеҳу таъналари мустаҳкам заминга эга эмас деб айтишга тўғри келяпти.

Бундан тақриздаги барча мулоҳазалар, ҳукм-хулосалар юзаки, заминдан узилган, далилланмаган деган фикр келиб чиқмаслиги даркор. Негаки, унда ҳар иккала қаламкаш шеърларида учрайдиган баёнчилик, тавсифийлик тўғри танқид қилинади, Азим Суюн изланишларидаги баъзи поэтик оригиналликлар ишонарли кўрсатилади. Аммо гап у ёки бу мулоҳазалар, ҳукм-хулосалар ҳаётий ёки сунъий, аниқ ёки мавҳум эканлиги ҳақидагина кетаётгани йўқ. Гап ижтимоий ўсиш-ўзгаришни, сўз санъати равнақини таъминлашга қаратилган юксак талаб руҳи билан сугорилган яхлит илмий эстетик мақсадга, муҳим концепцияга мувофиқ ҳар иккала шеърий тўпламнинг ҳаққоний таҳлил қилинмагани ҳақида кетаётир. Гап Ортиқбой Абдуллаевнинг фақат ўзига хос мушоҳада юритиш, таҳлил қилиш қобилиятининг кўзга яққол кўринмаётгани ҳақида бораётир. Гап билдирилган фикрлар, мулоҳазалар, ҳукм-хулосалар орқали ҳар иккала шоир қиёфаси, услуби, маҳоратининг очиб берил-

магани тўғрисида бораётир. Диққатингиз ушбу тақризнинг барча етук илмий-тадқиқот асарлари сингари ўзининг оригинал, салмоқли мазмуни, шакли, сюжети, композициясига эга бўлолмаганига жалб этиляпти. Тақриздаги ҳар бир сўз, ибора, гапларда, таҳлилу, тавсифларда Ортиқбой Абдуллаевнинг юрак тафти, қалб ҳарорати сезилмаётганини алоҳида таъкидлаб айтаётирмиз. Шунинг учун таъкидлаб айтаётирмизки, у бадиий ижод, хусусан шеъриятнинг назокати, сири-ю, сеҳрини илғаб олишга қодир бўлган ёш мунаққидларимиз сафидан ўрин олди ва буни у ўзининг қатор мақолаларида, «Шеъриятнинг тиниқ осмони» китобида исботлади. Бу китобда, айниқса, ёш шоирларнинг, хусусан Рауф Парфи, Маъруф Жалилнинг асарларидаги поэтик курашчанлик, жанговорлик руҳи ишонарли таҳлил қилиниб, Олимжон Холдор, Гулчеҳра Жўраева, Эътибор Охунова ижодида учраб турадиган юзакилик, баёнчилик моҳияти яхши очилганди. Аммо айрим мунаққидлар Ортиқбой Абдуллаевнинг биринчи асарини ошириб баҳоладилар, ундаги камчиликларни хаспўшлаб ўтдилар. Мен «Шеъриятнинг тиниқ осмони»даги бир қанча саҳифаларда конкрет таҳлил ўрнини умумий мулоҳазалар эгаллаб, поэтик ҳодисалар моҳиятини чуқур ёритишга монеълик қилганини назарда тутяпман!: «Муҳаммадали Қўшмоқовнинг сарбастдаги шеърларида ҳақиқий шеърият учун зарур бўлган мазмундор ижтимоий салмоқли фикрларга, табиий образларга, қалбни ларзага соладиган шиддатли туйғуларга, кишига ором бағишлайдиган мусиқийликка дуч келамиз. У фикрни қисқа, аниқ, ширадор қилиб айтишга интилади, тасвирда миллий колорит балқиб туришига эришади... Муҳаммадали шеърларининг ҳар бирида (диққат қилинг: шеърларининг ҳар бирида—*Н. Ҳ.*) фақат шу шеърнинг ўзига хос образлар силсиласи, ўзига хос оҳанглари ва бадиий—тасвирий воситалари бор...»

Мақтов шу тарзда давом этаверади, бироқ унинг ҳаётий ва адабий асоси ёритилмайди, рад этиб бўлмай-,

диган далиллар орқали мустаҳкамланмайди, ҳаққоний таҳлил билан исботланмайди. Умумий мулоҳазалар китобнинг адабий танқидга бағишланган қисмида ҳам ҳукмронлик қилади: «...Т. Бобоев, М. Олимов, А. Расулов, С. Содиқлар асосан роман жанрига оид проблемаларни, шахс ва жамият орасидаги мураккаб муносабатларни ва янги қаҳрамонларга хос фазилатларни танқид қиладилар. Б. Акрамов, М. Сафаров, Б. Қосимов сингарилар эса шеърият масалаларини ўрганишга кўпроқ қизиқадилар. М. Нурматов, Б. Назаровларнинг нигоҳи адабий танқиднинг турли қирраларини, танқид ва эстетика қонуниятларини ёритишга қаратилган. Р. Иноғомов, Ш. Турдиевлар ўзбек ва қардош халқлар адабиётлари орасидаги адабий алоқалар тарихини ўрганиб, адабиётлараро дўстлик ва ҳамкорликнинг кучайишига амалий ҳисса қўшмоқда.

Боринги, шундай бўлган, бўляпти, деб ҳисоблайлик, бироқ Ортиқбой Абдуллаев номи зикр этилган ўртоқларнинг ўша муаммолар, масалаларни қандай ёритиб қандай натижаларни қўлга киритганини, қандай ёритганини, адабий-бадиий тараққиётга қандай ҳисса қўшаётганини ўзига хос оригинал таҳлил билан исботлаш тўғрисида бош қотирмайди. Борди-ю, мен бундай ниятда уларнинг номи, асарларини тилга олмадим, деб қолса, биз ундан: нима учун шундай қилгансиз, қандай мақсадни кўзлагансиз, деб сўрашга ҳақлимиз. Масаланинг шу жиҳатини эътиборга олмаган Ортиқбой Абдуллаев умумий мулоҳазаларни умумий мулоҳазаларга улаб кетаверади, адабий-бадиий тараққиётга, ижтимоий ўсиш-ўзгаришга боғланиб кетадиган ҳаққоний кузатишлар, етук фикрларни қалб ҳароратига, юрак тафтига «пайвандлаш» хусусида қайғурмайди, илмий-эстетик ҳақиқатнинг туғилишини таъминламайди.

Бундай таъна-ю танбеҳларимиз Акрам Каттабековнинг «Тарихий роман ва танқидчилик» мақоласига («Гулистон», журнали, 7-сон, 1982-йил) ҳам бевосита тегишлидир. Негаки, унда «тарихий жанр тараққиётидан баҳс юритувчи бир қатор принципиал мақолалар ҳам эълон қилинди» дейилади-да, Ғ. Каримовнинг «Прозамизда тарихий тематика», У. Норматовнинг «Талқин ва таҳлил», П. Шермуҳамедовнинг «Тарихчи ва ижодкор нигоҳи», С. Мирвалиевнинг «Ўзбек романи» сингари бир қанча илмий тадқиқот ишлари тилга олинади, улар умумий йўсинда тавсифланади, лекин бирортаси таҳлилдан ўтказилмайди. Бунинг ўрнига тарихий тематика ҳамда проблематика тўғрисида умумий мулоҳазалар баён этилади, сўнгра қуйидаги фикр ўртага ташланади: «Тарихий — революцион прозамиз танқиди, айниқса, оқсаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу мавзуда қилинган ишлар айрим кичик тақризлардан нари ўтмаётир. Баъзи танқидчилар кўпгина тарихий-инқилобий асарларнинг бадиий заифлигини рўкач қилиб, уларни атай четлаб ўтмоқдалар».

Қаранг-а, асар муҳим, аҳамиятли мавзуда ёзилса, аммо бадиий жиҳатдан заиф бўлса-да, унинг салмоқли эканлигини эътироф этиш керак демоқда-ку, муҳтарам танқидчимиз, аслида бу қараш тубдан нотўғри эканлиги ўз-ўзидан аён. Ахир, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев мавзунинг долзарблиги, қадр-қиммати бадиий ғўрликни оқлашга асос бермайди, деган фикрни алоҳида таъкидлаб айтгани бежиз эмас-ку! Акрам Каттабеков эса хоҳлабми ёки ўзи хоҳламасданми,— барибир, шу фикрга зид бориб, кўпгина мунаққидларимиз томонидан танқидий руҳда таҳлил қилинган «Ота», «Хоразм», «Фарғона тонг отгунча» романлари ҳалигача ўзларининг ҳаққоний баҳоларини олмади, фундаментал тадқиқотлар марказига чиқарилмади, деб афсусланадики, бунга қўшилиш қийин.

Мақоладаги мана шундай чалкаш, бирёқлама ҳамда ниҳоятда умумий мулоҳазалар илмий-эстетик ҳақиқатни ёритишга монеълик қилади. Ҳолбуки, Акрам Каттабеков ҳар бир фикр, ҳар бир ҳукм, ҳар бир хулоса

устида чуқур ўйлаб кўрса, обдан бош қотирса, асарни пишиқ, пухта таҳлилдан ўтказиб баҳолашга интилса, халқимиз, адабиётимиз олдидаги масъулиятини ҳис қилган ҳолда қалам тебратса, юксак, эзгу-мақсадларини амалга оширарди. Бунга унинг «Мавзу масъулияти» мақоласи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 23- июль 1982- йил) мисол бўлади. Чунки, мақолада Алишер Навоий ва Машраб ҳаётини бадиий тадқиқ этишган икки янги насрий асардаги баъзи фазилатлар тўғри кўрсатилади, жиддий нуқсонлари ишонарли очиб ташланади. Борди-ю, Акрам Каттабеков билан Ортиқбой Абдуллаев ўзларининг нималарга қодир эканлигини ғоятда ҳаққоний, оригинал таҳлил орқали юзага чиқариб, фикрлари, мулоҳазалари, ҳукм-хулосаларини мустаҳкам замин асосида ёритса, мақолалари, тақризлари, тадқиқотларининг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан янги бўлиб жаранглашини таъминласа, ижтимоий-бадиий ўсиш-ўзгаришга сезиларли ҳисса қўшарди, деб ишонч билдиргимиз келади. Уларнинг айрим нуқсонлари тўғрисида куйиниб гапираётганимизнинг боиси шу. Аммо ҳар иккала ёш мунаққидимиз номига айтган таъна-ю, танбеҳларимиз уларнинг тенгдош ҳамкасбларига ҳам, тажрибали адабиётшуносларга ҳам, шу сатрларнинг эгасига ҳам тааллуқлики, бундан кўз юмишимиз мумкин эмас. Ахир, ҳар қандай истеъдодли, тажрибали мунаққид ёки адиб баъзан чуқур ўйлаб кўрмасдан, баъзан янглишиб, баъзан масъулиятни унутиб, баъзан яхши тушунмасдан, баъзан бошқа сабабларга биноан ўртамиёна ёки заиф асарни асоссиз мақтаб юбориши, ҳатто кўкларга кўтариши эҳтимолдан холи эмас-ку! Яна бир мисол тариқасида Абдуғафур Расуловнинг «Қиссалардан ҳиссалар» («Ёшлик», 4- сон, 1982) мақоласига назар ташлайлик. Мақолада ўзбек қиссачилигида қўлга киритилган ютуқлар тўғри қайд этилади, унда рўй бераётган ўзгаришлар Бутуниттифоқ адабиёти фонида олиб текширилади ки, мавжуд камчиликлар четлаб ўтилмайди, лекин бирорта

асар чуқур таҳлилдан ўтказилмайди, конкрет кузатишлар, аниқ, ёркин мулоҳазалар жуда кам бўлиб, уларни умумий фикрлар «босиб» кетади: «Омон Мухторов «Учқур поездлар» қиссасида материални тежаб, авайлаб ишга солади. Ҳар бир боб, ҳар воқеадан сўнг бош қаҳрамон характери ўқувчи кўз ўнгида ойдинлашиб боради. Султон Жўра ҳақидаги қиссада бадиий тўқимага камроқ ўрин берилганлиги, шоир ҳаётига оид материаллар тўла тасвирланганлиги сезилади. Хўжақул ва Шарифа линиялари кучли драматизмни, шиддатли ўсишни тақозо қилар эди. Омон Мухторов тўқима воқеалардан иложи борича ўзини тияди. Ёзувчи мақсадини англаш қийинмас: бора-бора ушбу қисса Султон Жўра ҳаёти ҳақидаги асосий манба бўлиб қолар...»

Қаранг-а, бир жиҳатдан ёзувчи ҳаётий воқеалардан тежаб-тергаб фойдаланган, қаҳрамон таржимаи ҳолига оид фактларни тўла тасвирлаган, деб тасанно айтиляпти, иккинчи томондан эса асарда кучли драматизмни сезмаймиз, деб танқидий фикр билдирияпти, бироқ мақтов ҳам, танқид ҳам ҳаққоний таҳлил орқали исботланмайди.

Абдулла Ориповнинг «Нажот қалъаси» ҳамда «Сурат ва сийрат» тўпламларига бағишланиб, Сайёра Жумаева томонидан ёзилган «Тўлқинли ижод» тақризида («Шарқ юлдузи», 5- сон, 1982) бир қанча шеърий парчалар келтирилиб, уларнинг мағзини чақишга интилишни кўрамиз, лекин шоир асарларида «халқ донишмандлиги акс этган», «олий руҳли инсон улуғланади», замондошларимиз образлари «чуқур меҳр, юксак маҳорат билан тасвирланган», қаҳрамоннинг «буюк инсоний қиёфаси» ёркин кўрсатилган, ҳаёт ҳақиқати ўз ифодасини топган, деган иборалар қалаштириб ташланади-ю, илгари сурилган фикрлар, ҳукм-хулосалар моҳияти ёритилмайди. Ҳолбуки, Абдулла Ориповнинг ранг-баранг, салмоқли ижоди юксак талабчанлик асосида олиб бориладиган таҳлилга бой материал беради, ҳар қандай ўткир муно-

зарининг туғилишини таъминлайди. Ҳурматли тақризчимиз эса шоир билан баҳсга киришиш тугул лоақал «жузъий нуқсонлар» тўғрисида сўз очишга журъат этмайди.

Нусратилла Жумаевнинг «Орзу, ҳаёт, кураш теран талқин топса», деб номланган тақризида («Шарқ юлдузи», 3-сон, 1982) Ойдин Ҳожиева достонларидаги баъзи камчиликлар тўғрисида сўз очилиб, «асарлар композициясига ҳам хийла ишлов бериш керакка ўхшайди, достонларнинг ички тартиби, изчиллиги, мантиқий боғлиқлиги занфроқдек таассурот қолдиради», «айрим ҳолларда баёнчилик сезилишини, тасвирда ҳаётийлик етишмайдиган ҳоллар учрашини айтиш керак», «баъзан китобийлик» кўзга ташланади, деган фикрлар айтилади, аммо нима учун асарлар композициясига ишлов бериш керак, нималарда ҳаётийлик етишмайди, китобийлик нималарда ўз аксини топган, баёнчилик қайси ўринларда кўринади. ва бу «жузъий камчиликлар»нинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат — мана шу муаммоларга тақризда аниқлик киритилмайди. Ойдин Ҳожиева достонларидаги қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятига онд бир қанча воқеаларни умумий йўсинда таърифлаб-тавсифлаб изоҳлаб, шарҳлаб беришдан нарига ўтмайди. Натижада Ойдин Ҳожиева достонларининг ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятлари тўғрисида ёрқин, аниқ, оригинал тасаввурга эга бўлолмайсиз. Негаки, Нусратилла Жумаев мулоҳазаларида баёнчилик устун туради, конкрет таҳлил йўқ, фикрлар ниҳоятда умумий, мавҳум. Оқибатда бу тақриздан ўқувчи ҳам, шоира ҳам қимматли илмий эстетик сабоқ ололмайди, тақризнинг ўзи эса тезда хотирдан кўтарилиб кетади. Шунинг учун танқидчиларимиз ҳар бир тақриз, проблематик мақола, тадқиқотда ёзувчиларимизнинг изланишларига юксак талабчанлик билан ёндошиб, уларнинг моҳиятини ҳаққоний таҳлил орқали ишонарли ёритса, ҳар бир фикрни, ижобий ёки салбий ҳукм-хулосаларини мустаҳкам заминдан олса, ўзларининг ҳар бир сўзи, ибораси, гапини халқимиз, эл-юртимиз, адабиётимиз олдидаги масъулият руҳидан келтириб чиқарса, мулоҳазалари, кузатишларини зўр илмий-эстетик маҳорат билан ифодаласа, ҳамма вақт ҳар қандай шароитда зийраклик билан оқилона иш тутса, адабиётшунос олим, ижодкор сифатидаги такрорланмас қиёфаси, услубини, мушоҳада юритиш, анализ ва синтез қилиш қобилиятини намоён қилса, адабий-бадиий, илмий-эстетик тараққиётнинг муҳим муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиши муқаррардир. Айниқса, мақтов, мадҳиянинг ҳаётий асоси, меъёрига алоҳида эътибор бериш талаб қилинадики, бунга бефарқ қараш яхшиликка олиб келмайди. Чунки, шоир Муҳаммад Али тўғри топиб айтгандек «мақтовларга доим кўнгил омода, эшитсангиз, мойдай эриб кетасиз, ўзни сезиб гўё арши аълода, дунёнинг ҳам туб-тубига етасиз», яъни мақтовлар ошиб-тошиб кетса, ўзингиз ҳам ошиб-тошиб заминдан узилиб қоласиз, дунёнинг туб-тубига етдим, арши аълога боришман, деб тараққиётнинг янгидан-янги босқичларини забт этиш учун курашмай қўясиз, истеъдодингиз ҳам «эриб кетади», ҳалокатга юз тутади.